Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

O`zLiDeP

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

02 Миллий матбуотнинг ҳуқуқ ва ваколатлари янада кенгаяди

05 Ишончни оқлаш масъулияти

07 Кюнонинг ихтироси



2014 йил 1 май, пайшанба, 17 (545)-сон

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz



Солих ЗОИР олган суратлар

# Мамлакатимизни модернизация қилиш ва жамиятни демократлаштириш жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни мустаҳкамланмоқда

## Тошкентда «Кўппартияли тизимни мустаҳкамлаш ва партиялараро рақобат – парламентаризмни ривожлантиришнинг муҳим шарти» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, ЕХҲТ лойиҳалари координаторининг Ўзбекистондаги офиси ва К.Аденауэр номидаги жамғарма (ГФР), «Миллий демократия институти» (АҚШ) нодавлат ташкилотининг ваколатхоналари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда мамлакатимиз парламенти қуйи палатаси депутатлари, давлат тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётан халқаро ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

2

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 23 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

## Иқтисодий салоҳиятимизнинг улкан намоёни

Қорақалпоғистон Республикасида Қўнғирот сода заводидан кейин яна бир йирик лойиҳа – Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши жадал олиб борилмоқда. Сурғил кони негизида бунёд этилаётган мазкур корхона йилига 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз бензини ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов шу йилнинг 25 апрель куни бу ерда бўлиб, амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси ва Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорликнинг амалий ифодаси бўлган ушбу лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 4 миллиард АҚШ долларига тенг. Марказий Осиёдаги энг йирик мазкур мажмуа қурилишида айни пайтда 6 минг тўрт юзга яқин киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг 3 минг 500 дан зиёди юртимиз мутахассислари, шижоатли ёшлардир.

3 ►►

## 126 фоиз ўсишга эришилди

Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотларга кўра, республикамизда машинасозлик тармоғи корхоналари томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида 2933,7 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бу борадаги ўсиш суръати 2013 йилнинг ана шу даврига нисбатан 126 фоизни ташкил этган.

Ҳисобот даврида тармоқнинг жами саноат ҳажмидаги улуши 18 фоизга етган. Бу эса ўтган йилнинг ана шу даврига (15,3 фоиз) нисбатан 2,7 фоизга кўпдир.

Биринчи чоракда 2013 йилнинг январь-март ойларига нисбатан юк автомобиллари ишлаб чиқариш 20,7 фоиз, енгил автомобиллар (махсус автомобилларсиз) –15,7 фоиз, автобуслар ишлаб чиқариш 12 фоизга ошган. Шу ўринда янги «Orlando» русумли автомобилларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

# Янгича фикрлаш, янгича ишлаш — электорат талаби

## O`zLiDeP Сиёсий Кенгашининг VII мажлисида белгилаб олинган вазифалар маҳаллий кенгаш депутатлари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, тадбиркорлар ва фермерлар иштирокида атрофлича муҳокама қилинмоқда

O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида асосий эътибор «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишлар ижросини таъминлашда партия аъзолари олдида турган аниқ вазифаларга қаратилди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Гулжон Халмуратова сўзга чиқиб, Президентимиз Ислом Каримовнинг Бош қомусимиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар ислоҳотларнинг бугунги босқичида O`zLiDeP зиммасига жуда катта вазифалар юклашини таъкидлади.

— Бугунги кун ҳар бир партия аъзосидан ўз ишига танқидий ёндашишни, партиявий бурч ва масъулиятни доимо ёдда тутишни тақозо этмоқда, — деди Г.Халмуратова.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Пўлат Реймов эса Сиёсий Кенгашнинг VII мажлисида тилга олинган камчиликлар, айниқса, қуйи бўғинлар, маҳаллий кенгашлардаги депутатлар фаолияти хусусидаги мулоҳазалардан қорақалпоғистонлик партия фаоллари ҳам жиддий хулосалар чиқариши кераклигини таъкидлади. Депутат, шунингдек, мамлакатимизни модернизациялаш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда партия фаоллари иштирокини кенгайтириш, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини янада мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жараёнида уларнинг ҳиссасини ошириш каби масалаларга эътибор қаратди.

Тадбирда Юртбошимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик ҳаракатини шакллантиришни янада жадаллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонидан келиб чиқадиган вазифаларнинг Қорақалпоғистондаги ижроси масалалари ҳам муҳокама этилди. Йиғилиш қатнашчилари «Парламентда менинг ўрним», «Агар мен депутат бўлсам...», «Ишбилармон талаба», «Диплом билан — бизнесга» каби партиявий лойиҳалар доирасида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, касаначиликни фаоллаштириш ҳамда уларга микромолиявий хизматлар кўрсатиш орқали янги иш ўринларини яратиш масалаларига ҳам тўхталдилар.

Самарқандда ўтган йиғилишда O`zLiDeP вилоят кенгаши раиси М.Холмухаммедов 2013 йил ҳамда 2014 йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

— Жорий йилнинг биринчи чорагида туман ва шаҳар кенгашлари томонидан электорат вакиллари ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий билимларини ошириш, партия аъзоларининг сиёсий жараёнлардаги иштирокини таъминлаш мақсадида юздан ортиқ тадбир ўтказилди, — деди М.Холмухаммедов. — Жумладан, Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими ташаббуси билан 42 та, «Ёшлар қаноти» томонидан 34 та, «Сиёсий таълим маркази» ташаббуси билан 19 та учрашув, семинар-тренинг ҳамда давра суҳбати ташкил этилди. Йиғилишда «Соғлом бола йили»да бу борадаги ишларни янада фаоллаштириш лозимлигига эътибор қаратилди.

Тадбирда, шунингдек, депутатлик гуруҳлари томонидан «Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида», «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида», «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунларнинг туманлардаги ижроси ўрганилиб, туман ва вилоят сессияларига киритилгани, бу ишларни янада кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

3 ►►

«ЁШЛАР ҚАНОТИ»

## Кичик бизнеснинг катта одимлари

**O`zLiDeP ташаббуси билан Ангрен шаҳрида ташкил этилган навбатдаги бизнес-форум «Ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва улар учун қулай бизнес муҳити яратиш» масалаларига бағишланди.**

Партиянинг «Ёшлар қаноти» томонидан уюштирилган тадбирда 300 нафарга яқин киши қатнашиб, унда асосий эътибор маҳаллаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёш ишбилармонларнинг интеллектуал салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий билимлари, хўжалик бошқаруви соҳасидаги тажрибаларини ошириш, оилавий бизнесни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш масалаларига қаратилди.

3 ►►

МУЛОҚОТ

## Фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш устувор масала бўлиб қолаверади

### «XXI ASR» газетаси ташаббуси билан ташкил этилган навбатдаги «Очиқ мулоқот»да кўплаб тадбиркор ва фермерлар республикамизнинг йирик ва универсал банкларидан бири бўлган «Агробанк» очиқ акциядорлик-тижорат банки мутасадди ходимларига ўзларини қизиқтирган саволлари билан мурожаат этиб, батафсил жавоб олдилар

Маълумки, «Агробанк» мустақиллик йиллари аграр секторда қулай бизнес муҳити яратиш, ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. 206 мингга яқин юридик ҳамда 3 миллиондан зиёд жисмоний шахсдан иборат мижозларига эга бўлган банк 12 та вилоят бошқармаси, 183 та филиал, 271 та мини-банк, 199 та махсус касса орқали «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шиорига қатъий амал қилган ҳолда ишончли фаолият олиб боряпти.




Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалар «Агробанк» фаолиятини ҳам бутунлай янги босқичга кўтариш имконини берди.

4 ►►

БУГУНГИ СОНДА:

6 **2014** йилнинг **16** майида «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида ўтказиладиган навбатдаги «Очиқ мулоқот»да тадбиркор ва фермерларнинг саволларига АТ «Ипотека банк» бошқаруви раиси Омон Мусаев жавоб қайтаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 29 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2115,64 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3828,59 |
| 1 Дания кронаси | 422,41 |
| 1 БАА дирҳами | 620,82 |
| 1 АҚШ доллари | 2280,28 |
| 1 Миср фунти | 325,98 |
| 1 Исландия кронаси | 20,30 |
| 1 Канада доллари | 2066,97 |
| 1 Хитой юани | 365,02 |
| 1 Малайзия ринггити | 697,33 |
| 1 Польша злотийси | 750,24 |
| 1 СДР | 3535,51 |
| 1 Туркия лираси | 1068,30 |
| 1 Швейцария франки | 2585,94 |
| 1 ЕВРО | 3146,19 |
| 10 Жанубий Корея вони | 21,97 |
| 10 Япония иенаси | 223,27 |
| 1 Россия рубли | 63,47 |
| 1 Украина гривнаси | 200,32 |

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

# Муносабат

Янги қонун лойиҳаларининг ҳаётга жорий этилиши фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгроқ таъминлаш учун қулай имконият яратиши баробарида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга ҳам хизмат қилади.

## Мамлакатимизни модернизация қилиш ва жамиятни демократлаштириш жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни мустаҳкамланмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Семинарни ўтказишдан мақсад ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларини белгилашда сиёсий партиялар ролини янада кучайтириш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва жамиятни демократлаштириш жараёнида уларнинг иштирокини кенгайтириш ҳамда тажриба алмашишдан иборат бўлди.

Тадбирда мамлакатимизда ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини янада такомиллаштириш, парламентнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга доир амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, Вазирлар Маҳкамаси масъулиятини кучайтириш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назорати самарадорлигини ошириш кўппартияли тизимнинг ривожланиш даражасига боғлиқ экани таъкидланди.



Маълумки, замонавий демократик дунёда асосан сиёсий партиялар аҳоли турли қатламларининг ижтимоий манфаатларини ифода этади. Шу боис Ўзбекистонда Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг асосий мақсади кўппартияли тизимдек замонавий демократия институтини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун, «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари аҳоли турли қатламларининг манфаатларини ифода этадиган партиялар ҳамда жамоат бирлашмаларини ташкил этиш, эркин ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди.

*Семинар қатнашчилари давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонун давлат бошқаруви соҳасидаги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда катта аҳамиятга эга эканини қайд этди.*

Семинар қатнашчилари партиялар Ўзбекистонда яратилган қонунчилик базасига таянган ҳолда, жамиятдаги туб ўзгаришларнинг ҳал қилувчи ва самарали кучига айланиб бораётганини таъкидлади. Ўтган давр мобайнида партиялар муайян амалий тажриба тўплади ва сиёсий нуфузга эга бўлди.

– Ўзбекистон қисқа вақт ичида кўппартияли тизимни ривожлантириш йўлида муайян ютуқларга эришди, – деди Тюрингия федерал ери собиқ бош вазири, К.Аденауэр номидаги жамғарма марказий бошқаруви аъзоси Дитер Альтхаус (ГФР). – Мамлакатингизда бир қанча сиёсий партияларнинг фаолият кўрсатаётгани эътиборга лойиқдир. Уларнинг ҳар бири фаол ривожланиб, ўз аъзолари ва тарафдорлари сафини кенгайтирмоқда, ҳокимият вакиллик органлари ишларида иштирок этмоқда. Бу кўппартияли тизимни ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳар томонлама пухта ўйлангани, сиёсий партиялар фаолиятини таъминлайдиган сиёсий-ҳуқуқий чораларнинг нечоғли тўғрилиги, уларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатаётгани, сайловчилар ва аҳоли томонидан эътироф этилаётганининг ёрқин исботидир.

«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»ни амалга оширишга доир ишлар хорижий иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Мазкур Концепция Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимини демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг кенг кўламли дастури келажакдаги мақсадлар билан боғлиқ шунчаки декларация эмас, балки муайян чора-тадбирлар тизимидир. Шу нуқтаи назардан, семинар қатнашчилари давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонун давлат бошқаруви соҳасидаги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда катта аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Семинарда демократлаштириш изчил ва мунтазам ривожланадиган жараён бўлиб, халқ ҳокимиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, парламент демократияси институтларида сиёсий партиялар вакиллиги учун ҳуқуқий майдонни кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди. Шунингдек, янги конституциявий нормалар Ўзбекистоннинг қонун устуворлиги, амалий кучга эга ҳокимият ва кучли фуқаролик жамияти каби анъанавий устунларга таянувчи ривожланган демократик мамлакатлар сафига қўшилишдек асосий стратегик мақсадга босқичма-босқич эришишида муҳим қадам экани қайд этилди.

– Ўзбекистонда парламент тизими жадал ривожланмоқда, – деди Жорж Вашингтон университетининг Эллиот номидаги халқаро муносабатлар мактаби профессори Шон Робертс (АҚШ). – Бу мамлакатингиз замонавий парламент тизимини шакллантиришга нақадар жиддий муносабатда бўлаётганини яна бир бор тасдиқлайди. Жамиятни эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тараққиётга эришиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишга ёрдам беради, фуқароларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Хорижий иштирокчиларнинг фикрича, Ўзбекистонда мустақил тараққиётнинг қисқа даврида парламентаризмнинг бой тажрибаси тўпланган. Бу эса, ўз навбатида, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат механизмининг самарали ишлашини таъминлашга кўмаклашмоқда. Бу борада амалга оширилган ислоҳотлар бошқа кўплаб давлатлар учун намуна бўлиши мумкин.

– Парламентаризмни ривожлантиришдаги ислоҳотлар миллий ижтимоий-сиёсий тараққиёт хусусиятлари ва халқаро ҳуқуқ стандартлари инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон халқининг тажрибаси, бой тарихий ва маданий мероси, қадриятлари ва анъаналари асосида амалга оширилмоқда, – деди Европа халқаро муносабатлар институтининг геосиёсий тадқиқотлар бўйича директори Пьер-Эммануэль Томанн (Бельгия). – Мамлакатингизда бундай комплекс ёндашув самарасида такомиллаштирилган ҳокимият вакиллик органлари тизими ривожланган ва демократик давлатлардаги шундай тизимлардан нафақат қолишмайди, балки қатор кўрсаткичлар бўйича улардан устун ҳамдир.

Фаол мулоқот руҳида ўтган муҳокама якунларига кўра, халқаро семинар қатнашчилари Ўзбекистондаги демократик ислоҳотлар ижобий самара бераётгани ҳақида якдил фикр билдирди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг амалга оширилиши ҳаётимизнинг барча жабҳаларини демократлаштиришни давом эттириш ва дунёнинг кўплаб давлатлари учун мамлакатни демократия тамойиллари асосида самарали ислоҳ этиш ва модернизация қилишда намуна бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги таъкидланди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

### БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Ўз юртини севмаган киши бошқа ҳеч нарсага меҳр қўя олмайди».**

Жорж Байрон.

## Миллий матбуотнинг ҳуқуқ ва ваколатлари янада кенгаяди

Оммавий ахборот воситалари ходимлари «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, унинг самарали фаолият кўрсатиши учун кенг йўл очиши баробарида «тўртинчи ҳокимият»нинг иқтисодий имкониятларини ҳам яхшилашга хизмат қилишини таъкидламоқдалар.

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI asr»



Солих ЗОИР олган сурат

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, водий вилоятларида фаолият олиб бораётган ёш журналистлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этган тадбирда ана шундай фикрлар билдирилди.

Парламент қуйи палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ташкил этган «Бозор муносабатлари шароитида ОАВни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари: қонунчиликни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» мавзуидаги давра суҳбатида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, хусусан, «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини маромига етказиш масалалари атрофлича муҳокама этилиб, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда «тўртинчи ҳокимият» нинг ўрни беқиёс эканлиги эътироф этилди. Ўз навбатида, ислоҳотларнинг бугунги босқичида демократик янгиланишлар, тизимли ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш журналистлар зиммасига катта масъулият юклаши таъкидланди.

— Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида ОАВни қўллаб-қувватлаш, унинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш жуда муҳим, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Абдурашид Жўрабоев. — Бу эса, энг аввало, соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бугунги тадбирда парламентда тайёрланган янги қонун лойиҳаларини яна бир бор муҳокама этдик. Соҳа вакилларидан олинган таклифлар, тавсия ва мулоҳазалар чуқур таҳлил этиляпти.

– Маълумки, Концепцияда белгилаб берилган устувор йўналишлар, илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари изчил ва тадрижий ислоҳотларнинг узвий давоми бўлиб, бугунги тадбирда соҳа вакилларининг бу жараёнларда фаол иштирок этиши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди, – дейди Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Абдулазиз Абдуллаев. — Янги қонун лойиҳаларининг ҳаётга жорий этилиши фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгроқ таъминлаш учун қулай имконият яратиши баробарида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга ҳам хизмат қилади.

Ана шундай талаблар асосида журналистларимиз «Оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаларида яна қандай нормалар акс эттирилиши лозимлиги ҳақида кўплаб мулоҳазалар билдирдилар. Хусусан, ушбу қонунларнинг қабул қилиниши ОАВнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни кафолатлаш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий асослар аниқ ва равшан белгилаб берилиши билан муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

– Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш миллий ахборот маконини ривожлантириш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашдаги энг асосий омилдир, – деди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Нуриддин Муротов. – Зотан, олдимизга миллий матбуотимиз фаолиятини ривожланган давлатларнинг оммавий ахборот воситалари даражасига кўтариш вазифаси қўйилар экан, соҳа ходимларининг меҳнати муносиб баҳоланиши, таҳририятларнинг мустақиллиги янада мустаҳкамланиши лозим.

Баҳс-мунозаралар давомида бугунги кунда ОАВ олдида турган асосий вазифалардан бири миллий матбуотимизнинг таъсирчанлигини ошириш, халқаро ахборот майдонига халқимизнинг бой анъаналари, жамият ҳаётининг турли соҳаларида эришилаётган ютуқлар ҳақидаги ахборотларни етказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди. Айни пайтда демократик жараёнлар оммавий ахборот воситалари ходимларидан юксак билим, профессионал маҳорат ва фаолликни талаб этаётир. Шу нуқтаи назардан анжуманда соҳада кадрлар тайёрлаш, журналистларнинг касб маҳорати ва ҳуқуқий билимини ошириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Давра суҳбатида Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида фаолият юритаётган ёш журналистлар оммавий ахборот воситалари учун яратиб берилган шарт-шароитлардан мамнунлигини изҳор этиб, ислоҳотларнинг аҳамиятини кенг тарғиб этиш борасидаги эзгу ишларга муносиб улуш қўшиш учун бор салоҳиятларини сафарбар этишга тайёр эканликларини билдирдилар.

### ЯНГИЛИК

## Урганчда янги матбаа дастгоҳи

Хоразм вилояти марказидаги «Қувончбек-Машҳура» масъулияти чекланган жамиятига қарашли босмахонага 200 минг АҚШ доллари миқдоридаги сармоя эвазига Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган замонавий «STAR-16» дастгоҳи ўрнатилди.

— Матбаа маҳсулотлари бугунги қайноқ ҳаётимиз, ижтимоий фаолиятимизнинг ажралмас қисмига айланди, — дейди жамият раҳбари Фарҳод Ибодуллаев. — Бунгача корхонамизда 20 номдаги газета босилган бўлса, янги дастгоҳлар тўла ишга тушганидан сўнг 42 номдаги босма нашрларни замон талабларига мос равишда босиш имкониятига эга бўлдик.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ.**

Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган хизматларнинг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.

# Ҳудудларда

## Кичик бизнеснинг катта одимлари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Шухрат РАҲИМОВ,**
«XXI asr»



Форумда ҳамкор ташкилотлар мутахассисларининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда қонунчиликнинг аҳамияти», «Кичик бизнес — аҳоли бандлиги ва даромад манбаи», «Ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантиришда инвестицияларнинг роли» сингари мавзуларда маърузалари тингланди.

— Дастуримизда партиянинг ёшларга оид аниқ позицияси белгилаб қўйилган, — деди биз билан суҳбатда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси «Ёшлар билан ишлаш» бўлими етакчи консультанти Баҳодир Кучаров. – Шунинг учун ҳам ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, айниқса, улар учун бизнесни бошлашда қулай шароитлар яратишга алоҳида эътибор беряпмиз. Шу ўринда партия аъзоси бўлган ёшларнинг умумий сони 89044 нафарни ташкил этиши, уларнинг 1961 нафари бошланғич партия ташкилотларига етакчилик қилаётганларини таъкидлаш мумкин.

Тадбирда партиявий лойиҳалар, уларни бугунги кун талаблари асосида янада такомиллаштириш масалалари хусусида сўз юритилиб, Президентимизнинг «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонидан келиб чиқадиган вазифалар ижросини таъминлаш, олий ва ўрта махсус таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, ёшларнинг инновацион лойиҳаларини хусусий секторга кенг жалб қилиш мақсадида 2010 йилдан буён Марказий банк билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси натижалари ҳам таҳлил этилди.

Ўтган давр мобайнида мазкур лойиҳа доирасида 2800 нафардан ортиқ битирувчи талаба ўз бизнесини йўлга қўйиб, қарийб 13 млрд. сўмлик кредит олдилар. Энг асосийси, ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида жойларда 6000 дан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди.

Бизнес-форумда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида кўзда тутилган янги имтиёз ва преференциялар иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш борасида навбатдаги муҳим босқич бўлиши айтиб ўтилди.

Маълумки, 2013 йили юртимизда 26 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъектлари иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингтага етди. Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда. Бу эса кичик бизнеснинг иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашдаги роли беқиёс эканидан далолатдир.

Тадбирда маҳаллаларни хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантириш, ёшларни тадбиркорлик ва кичик бизнесга кенг жалб қилиш, улар учун имтиёзли кредитлар миқдорини янада кўпайтириш, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашда «Ёшлар қаноти» олдида турган вазифалар яна бир бор таҳлил этилди.

Тадбир якунида ёш тадбиркорлар ва ҳунармандлар томонидан яратилган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

### ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 23 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

## Иқтисодий салоҳиятимизнинг улкан намоёни

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Мажмуа қурилишида меҳнат қилаётган Жаҳонгир Худойберганов, Шуҳрат Ёқубов, Тоҳир Қорабоев, Ўктам Остонов сингари ёш мутахассислар кўпчиликка ибрат бўлмоқда.

–Давлатимиз раҳбарининг ташрифидан жуда руҳландик, – дейди Жаҳонгир Худойберганов. – Биз қураётган йирик корхонанинг мамлакатимиз равнақи учун қўшадиган ҳиссаси ва иқтисодиётимиз тараққиётидаги улуши ҳақида ўйласам, ғурурланиб кетаман. Мен пудратчи «GS Engineering» компанияси томонидан бажарилаётган ишларни назорат қиламан.

Бунёдкорлик ишлари якунлангач, корхонада 2 мингдан зиёд ишчи ва мутахассис меҳнат қилади. Корхона маҳсулоти – полиэтилендан ҳар хил қувурлар, бинокорлик материаллари, турли анжомлар ишлаб чиқарилса, полипропилендан машинасозлик саноатида кенг фойдаланилади.

Юз гектардан ортиқ майдонни эгаллаган мажмуа қурилиши «Hyundai Engineering», «Samsung Engineering», «GS Engineering» компаниялари мутахассислари томонидан амалга оширилмоқда. Бу ерда газдан полиэтилен ажратиб олиш ва полипропилен цехлари ҳамда мажмуани буғ, газ ва сув билан таъминлайдиган тизимлар барпо этилмоқда.

Бепоён Устюрт кенгликларининг асрий сукунатини бузган қудратли техникалар наъраси бир зум тинмайди. Хусусан, корхонага олиб борадиган темир йўл қурилишининг биринчи навбати жадал давом эттирилмоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси йўл хўжалиги бошқармаси томонидан тупроқ ишлари бажарилиб, майда шағал-тош тўшалди ва 6,2 километр масофага пўлат излар ётқизилди. Автомобиль йўли қурилиши «Жанубгазқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти томонидан олиб борилмоқда. Умумий қиймати 6 миллиард сўмни ташкил этадиган 4,4 километрлик йўлга тупроқ тўшаш ишлари якунланиб, икки ярим километрига асфальт ётқизилди.

Мажмуадан «Оқчалоқ» компрессор станциясига қадар тайёр товар газ қувури, қаттиқ ва маиший чиқиндилар полигони, ташқи техник сув таъминоти, Қўнғирот-Элобод-Оқчалоқ сув қувури, корхона учун сунъий захира сув ҳавзаси сингари муҳим иншоотлар бунёд этилмоқда.

Корхона қурилишида ишлаётганлар учун енгил йиғма конструкцияли икки қаватдан иборат модул уйлар қад ростлади. Айни пайтда бу ерда турар-жойлар билан бирга ётоқхона, меҳмонхона, ошхона қурилиши бошлаб юборилган.

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг ёрқин намоёнига айланган мазкур мажмуа қурилишида ишлаётганлар ушбу тарихий жараён – улкан қурилишда иштирок этаётганидан фахрланади. Бу уларга куч-қувват бағишлайди.

**А.ОРТИКБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

### ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАР

**Андижон.** O`zLiDeP Аёлларнинг сиёсий фаоллигини, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан Балиқчи туманидаги «Саодат» хусусий корхонасида партиянинг «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси доирасида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш мавзусига бағишланган тадбир ўтказилди.

— Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш — олдимизда турган энг долзарб вазифа, — деди унда O`zLiDeP вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» раҳбари Умида Исаева. — Шунинг учун ҳам жойларда ташкил этилаётган барча тадбирларда турли касалликларнинг олдини олиш, қизларни эрта турмушга узатиш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларга барҳам бериш, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш масалаларига кўпроқ эътибор қаратяпмиз.

Тадбир қатнашчилари бу борада амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, сайлов тўғрисидаги қонунчилик тизими, уларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларни ҳам муҳокама қилдилар.

**Самарқанд.** Қўшработ туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида O`zLiDeP Аёлларнинг сиёсий фаоллигини, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими ташаббуси билан тадбиркорлик фаолиятига оид қонунлар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ўрганиш, уларнинг мазмун-моҳиятини оммага етказиш масалалари кўриб чиқилди.

O`zLiDeP туман кенгаши масъул ходимлари, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси вакиллари ҳамда тижорат банкларининг туман филиаллари ходимлари иштирок этган йиғилишда хотин-қизларни кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначилик фаолиятига кенг жалб этиш, улар ўртасида бандлик даражасини ошириш юзасидан муҳим фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

— Эътиборлиси, тадбир давомида жойларда чорвачилик ҳамда маҳаллий гиламчилик фаолиятини йўлга қўйиш истагидаги хотин-қизларнинг бизнес лойиҳаларини имтиёзли асосда молиялаштиришга келишиб олинди, — дейди вилоят кенгашининг «Аёллар қаноти» бўлими раҳбари Марҳабо Чўлиева. — Бу каби тадбирларни вилоятнинг барча ҳудудларида ўтказишга келишиб олдик.

**Хоразм.** O`zLiDeP вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» бўлими ташаббуси билан Янгиариқ туманида «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси доирасида давра суҳбати ўтказилди.

— Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилаётган бу каби тадбирлар оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилади, — дейди O`zLiDeP Янгиариқ туман кенгаши «Аёллар қаноти» раҳбари Лолахон Қурёзова.

— Бу борада, айниқса, келажак авлод тарбиячиси — хотин-қизларимизнинг саводхонлигини ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда аёлларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, шунингдек, фаол хотин-қизлар кўмагида истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

## Янгича фикрлаш, янгича ишлаш — электорат талаби

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

— Ўтган йили вилоят ва туман кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан 315 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилди, — деди йиғилишда халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари А.Аҳмедов. — Шу тариқа бир қатор муҳим қонунларнинг жойлардаги ижроси ўрганилиб, вилоят сессиясига олиб чиқилди. Ўз навбатида, Булунғур ва Тайлоқ туманида 2 тадан масала сессияга олиб чиқилган бўлса, Жомбой, Пахтачи, Оқдарё ва Пайариқ туманларида бу борада сусткашликка йўл қўйилаётгани таъкидланди.

Қашқадарёда ўтган йиғилиш ҳам танқидий руҳда ўтди. Унда гарчи ҳудудий кенгашлар томонидан ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, интеллектуал қобилиятини ривожлантиришга қаратилган 96 та тадбир, давра суҳбати, учрашув, семинар-тренинг, танловлар ташкил этилган бўлса-да, бу ишларни янада жонлантириш лозимлигига эътибор қаратилди.

Тўғри, партиянинг «Ишбилармон талаба», «Парламентда менинг ўрним», «Агар мен депутат бўлсам...», «Диплом билан — бизнесга» каби лойиҳаларида 4000 нафарга яқин ёшлар қатнашган. Уларда иштирок этган 79 нафар таълим муассасалари битирувчисига тижорат банкларидан 725 млн. сўм миқдорида микрокредитлар олишга амалий ёрдам кўрсатилиб, 133 нафар ёшлар бандлиги таъминланган.

— Йил давомида амалга оширилган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, олдимизга қўйилган вазифалар борасида ҳали фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини тан олишимиз керак, — деди йиғилишда вилоят кенгаши раиси Мустафхон Султонов. — Масалан, айрим БПТларимизнинг иш услублари бугунги кун талабларига жавоб бермаяпти. Баъзи туманларда, хусусан, Қарши, Қамаши, Деҳқонобод, Миришкор туманларида бирорта ҳам БПТ ташкил этилмагани тарғибот-ташвиқот ишлари талаб даражасида эмаслиги, Сиёсий таълим маркази, Мафкура бўлимлари аҳолидан узоқлашиб қолганини кўрсатади. Бундан, энг аввало, туман кенгашлари мутасаддилари тегишли хулосалар чиқаришлари керак.

O`zLiDeP Навоий вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ҳам қўлга киритилган натижалар қайд этилиши баробарида ҳудудий партия ташкилотларида йўл қўйилаётган камчиликларга муносабат билдирилди.

Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзолари, маҳаллий кенгаш депутатлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Навоий минтақавий филиали, Фермерлар кенгаши, Савдо-саноат палатаси ва бошқа нодавлат-нотижорат ташкилотлар, туман (шаҳар) партия ташкилотлари раҳбарлари, қуйи бўғин етакчилари, таниқли тадбиркор ва фермерлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган йиғилишда дастлаб вилоят кенгашининг 2013 йил якунлари ҳамда 2014 йилнинг I чорагидаги ҳисоботи эшитилди.

Унда асосий эътибор жойларда депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, Президент фармон ва қарорлари ҳамда ҳудудий дастурлар ижросини таъминлашда партия иштирокини кенгайтириш масалаларига қаратилди. Зеро, Навоий вилоятидек улкан салоҳиятга эга ҳудудда партиявий ишлар бугунги кун талабларига жавоб бермаяпти.

Тўғри, 2013 йилда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарларига 75 та депутатлик сўрови юборилган. 15 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилиб, 46 та назорат-таҳлил фаолияти амалга оширилган.

Депутатлар томонидан маҳаллий кенгашларнинг доимий комиссияларига 13 та таклиф киритилиб, уларнинг 9 таси бўйича тегишли қарорлар қабул қилинган.

Аммо, бугун вилоятдаги 884,4 минг нафар аҳолининг атиги 8321 нафари, фаолият кўрсатаётган 29 минг нафарга яқин тадбиркорлик субъектлари вакилларининг 9,2 фоизи, фермер хўжаликлари сони 1746 тани ташкил этгани ҳолда уларнинг 488 нафар O`zLiDePга аъзо экани ҳудудий кенгашлар ишига баҳо бериш имконини беряпти. Йиғилишда Сиёсий таълим маркази томонидан ўтказилаётган сиёсий ўқув, давра суҳбати, очиқ мулоқот, учрашув ҳамда амалий семинарлар ҳам номигагина, ҳисобот учун ўтказилганлиги танқид қилинди.

Йиғилишда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзолари, сенаторлар Холбой Ибрагимов ҳамда Қувондиқ Саноқулов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, O`zLiDeP фракцияси раҳбари Бахтиёр Якубов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Фахриддин Солиев сўзга чиқиб, O`zLiDeP илгари сураётган ғоя ва мақсадлар тарғиботида йўл қўйилган хатолар ана шундай оқибатларга олиб келгани, сайловлар йилида партия фаолиятини янада жонлантириш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш орқали электорат ишончини қозониш муҳим эканини қайд этишди.

*Айрим БПТларимизнинг иш услублари бугунги кун талабларига жавоб бермаяпти. Баъзи худудлар, хусусан, Қарши, Қамаши, Деҳқонобод, Миришкор туманларида бирорта ҳам БПТ ташкил этилмагани тарғибот-ташвиқот ишлари талаб даражасида эмаслиги, Сиёсий таълим маркази, Мафкура бўлимлари аҳолидан узоқлашиб қолганини кўрсатади.*

Йиғилишда Н.Жуманиёзов ўз аризасига мувофиқ партия вилоят кенгаши раиси вазифасидан озод қилиниб, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Яшин Душанов кенгаш раислигига сайланди.

Бир сўз билан айтганда, очиқ мулоқотлар, баҳс-мунозаралар асосида ўтган йиғилишларда сайловларга муносиб тайёргарлик кўриш, хусусий мулк ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоя қилиш, партиянинг ёшлар ва аёллар йўналишидаги ишларини кучайтириш, ҳудудий кенгашларнинг партия фракцияси билан ҳамкорлигини яхшилаш борасидаги долзарб вазифалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
**Сайфулла ИКРОМОВ,**
**Мансур АСЛОНОВ,**
**«XXI asr» мухбирлари.**

### ҚАРОР ВА ИЖРО

## Яхши отларга яхши отчопар

Вазирлар Маҳкамасининг «Марказий ипподром» масъулияти чекланган жамияти таркибида от спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан пойтахтимиздаги «Марказий ипподром» замонавий талаблар асосида реконструкция қилиняпти.

Ўзбекистон от спорти федерацияси раисининг ўринбосари Рифкат Мигмановнинг таъкидлашича, қурилиш-таъмирлаш ишлари франциялик мутахассислар билан ҳамкорликда олиб борилмоқда. Янги отчопарни мустақиллигимизнинг 23 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Шу ўринда ана шу улуғ байрам кунларида юртдошларимиз МДҲдаги энг яхши отчопар — Тошкент «Марказий ипподром»ида от спорти бўйича халқаро турнирни томоша қилиш имконига эга бўлишларини ҳам айтиш жоиз.

**Зиёдулла МЎМИНОВ.**

### БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Аниқлик нутқнинг энг яхши сифатидир».**

Арасту.

# Фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш устувор масала бўлиб қолаверади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**А.МУРОДОВ,**
**А.МУЗАФФАРОВ,**
«XXI asr»

Тадбирда банкнинг капиталлашув даражасини ошириш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини жалб қилишни кенгайтириш борасидаги ишлари тўғрисида ҳам журналистларга атрофлича маълумот берилди. Хусусан, жорий йилнинг апрель ойи ҳолатига банкнинг умумий капитали 379,6 млрд., устав капитали эса 233,7 млрд. сўмни ташкил этгани қайд этилди.

«Агробанк» бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Нажибудин Жияновнинг таъкидлашича, республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, аграр секторни қўллаб-қувватлашга қаратилган Президентимиз фармон ва қарорлари, соҳага оид қонунлар «Агробанк» жамоаси зиммасига ҳам улкан масъулият юклаган. Бу эса ушбу соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш «Агробанк» учун энг устувор йўналиш бўлиб қолишини кўрсатади. 2014 йилнинг I чорагида биргина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-кувватлашга эса 151 млрд. сўмлик кредитлар йўналтирилди. Ажратилган маблағлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 33,1 млрд. сўмга ёки 128 фоизга ўсганлигини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 61,4 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Мулоқотда андижонлик Мирзо Улуғбек Мамадалиев «Агробанк» ҳар йили халқаро молия институтлари билан кредит линияларини жалб этиш бўйича битимлар имзолаётганини таъкидлаб, бу йил ана шундай келишувлар асосида мамлакатимизга қанча миқдорда чет эл сармояси жалб этилгани ҳамда улар асосан иқтисодиётнинг қайси тармоқларига йўналтирилаётгани билан қизиқди.

Ушбу саволга банкнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари лойиҳаларини молиялаштириш бошқармаси бошлиғи Салоҳиддин Ботиров жавоб қайтарди. Унинг таъкидлашича, жорий йилда банк томонидан 25 млн. АҚШ доллари, хусусан, Туркиянинг Зироат банкидан 15 млн. ва Халқаро тараққиёт уюшмасидан 10 млн. доллар миқдорида кредит линиялари жалб этиш бўйича келишувлар имзоланган. Айни пайтда ушбу маблағ иқтисодиётимизнинг турли тармоқларига йўналтирилмоқда.

Тошкент шаҳридаги «Шош қуёши» МЧЖ раҳбари Шоҳжаҳон Исроилов эса кредитни белгиланган муддатда қайтара олмаган мижозга нисбатан фоиз устамалари (пеня) ва бошқа чоралар қўлланилиши, аксинча, кредитларни қайтаришда ҳеч қандай камчиликка йўл қўймаган, умуман, банк билан ҳамкорлигини бекаму кўст давом эттираётган мижозларга қандай имтиёзлар, рағбатлар кўзда тутилганлиги билан қизиқди.

«Агробанк» бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Н.Жияновнинг маълум қилишича, банк билан доимий ҳамкорлик ўрнатган, ўз ҳисобида мунтазам пул оқими, яхши обрў ва мақбул кредит тарихига эга бўлган мижозларга имтиёзли шартлар асосида кредитлар берилиши мумкин.

Бундай ҳолларда банк хизматлари учун ўрнатилган тарифларнинг (воситачилик ҳақлари) пасайтирилиши ҳам кўзда тутилган.

Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги «Раҳматилла Жабборов» фермер хўжалиги раҳбари С.Жабборов эса ҳайдов тракторини лизингга олиш мақсадида дастлабки тўлов сифатида кредит олиш тартиби бўйича савол билан мурожаат этди. Банк мутасаддилари қишлоқ хўжалик техникасини лизинг асосида харид қилиш учун дастлабки тўлов сифатида кредит олиш мумкинлиги ҳамда бунинг учун банк филиалига тақдим этиладиган ҳужжатлар юзасидан тўлиқ маълумот беришди.

«Очиқ мулоқот»да бевосита иштирок этган Даврон Алимов банк мутахассисларига катта ҳаёт остонасидаги ёш йигит-қизларни ўйлантираётган савол билан мурожаат қилди. У бу йил оила қурмоқчи эканини айтиб, «Агробанк»да тўй харажатлари учун сармоя олиш тартиб-қоидалари билан қизиқди.

Жисмоний шахсларни кредитлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Асадбек Ашуров бундай турдаги кредитлар 3 йил муддатга энг кам иш ҳақининг 200 бараваригача ҳамда имтиёзли фоизларда ажратилишини билдирди.

Пойтахтимиздаги якка тартибдаги тадбиркор Рўзи Азимовнинг саволи ҳам мулоқот иштирокчилари эътиборидан четда қолмади. Р.Азимов Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун рўйхатдан ўтганлар вилоятда ўзи фойдалана оладиган ер участкаси бўлса, «Агробанк»дан чорвачиликни йўлга қўйиш учун кредит олиши мумкинлиги билан қизиқди.

Банк ходимлари бу борада ҳеч қандай чеклашлар назарда тутилмаганини билдирдилар.

Хоразм вилояти, Хонқа туманидаги «Бика Мадина» фермер хўжалиги раҳбари Абдулла Авезбоев телефон орқали мурожаат қилиб, комбайн харид қилиш учун имтиёзли кредит олиш шартлари тўғрисида сўради.

Маълумки, имтиёзли кредит бериш махсус Жамғармаси маблағлари Президентимизнинг 2011 йил 11 мартдаги қарорига асосан олис ва етиб бориш қийин бўлган туманларда, шунингдек, меҳнат ресурслари ортиқча бўлган ҳудудлар ҳамда шаҳарлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида, ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик корхона, деҳқон ҳамда фермер хўжаликларида юқори технологик ва инновацион лойиҳаларни молиялаш учун ажратилади.

Мазкур кредит энг кам ойлик иш ҳақининг икки минг бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда ажратилиши белгиланган.



Солих ЗОИР олган суратлар

***Банк бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Н.Жиянов ушбу масала чиндан ҳам долзарб эканига эътибор қаратиб, айни пайтда «Агробанк»нинг 271 та минибанки, шундан 218 таси қишлоқ, 11 таси бозор ва 42 таси бошқа аҳоли пунктларида фаолият олиб бораётганини маълум қилди.***

Каттақўрғонлик Сарвиноз Жўраева хонадонида қорамол боқиш учун шароит мавжудлигидан келиб чиқиб, кредит эвазига соғин сигир сотиб олиш мумкинлиги билан қизиқди. «Агробанк»нинг кичик бизнес субъектларини кредитлаш бошқармаси бошлиғи Комил Шукуров «Очиқ мулоқот»да кўтарилган ана шу мавзудаги саволларга атрофлича жавоб қайтариб, ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмасдан амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларига тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун энг кам иш ҳақининг 500 (беш юз) баравари миқдорида, юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектларига эса 1 000 (минг) баравари миқдоридан ошмайдиган суммада микрокредит берилиши, ана шундай имкониятдан С.Жўраева ҳам фойдаланиши мумкинлигини айтди.

Бухоролик Ҳусан Тошев эса телефон орқали жойларда фаолият кўрсатаётган минибанклар томонидан мижозлар учун кўрсатилаётган хизматлар турини янада кенгайтириш имкониятлари борасида савол билан мурожаат этди.

Банк бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Н.Жиянов ушбу масала чиндан ҳам долзарб эканига эътибор қаратиб, айни пайтда «Агробанк»нинг 271 та минибанки, шундан 218 таси қишлоқ, 11 таси бозор ва 42 таси бошқа аҳоли пунктларида фаолият олиб бораётганини маълум қилди. Банк томонидан минибанклар орқали мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш, уларни замонавий техникалар билан таъминлаш юзасидан мунтазам ишлар амалга оширилаётганини қайд этди.

Самарқандлик Наврўз Сайдуллаев эса тижорат банкларидан чет элларда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар учун автокредит олиш масаласи билан қизиқди.

«Агробанк» мутахассислари енгил автомобиль сотиб олиш учун автокредитлар фақат Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобилларга берилиши, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 6 майдаги «Истеъмол кредити тўғрисида»ги қонунининг 15-моддасига мувофиқ истеъмол кредитлари фақат мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларга ажратилиши белгиланганини билдирдилар.

«Очиқ мулоқот»да Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, O`zLiDeP фракцияси аъзолари Фахриддин Комилов, Ориф Шарипов ҳам қатнашиб, амалдаги қонунлар юзасидан тушган саволларга атрофлича жавоб қайтардилар. Мулоқот якунида «Агробанк» мутасаддилари зангиоталик Ойдин Турғунова, қашқадарёлик Алишер Маматов, тадбиркорлар Сирожиддин Ёқубов, Нурбек Тилаволдиев, арнасойлик Фахриддин Умаров, фермер Арслон Маҳмудовнинг саволларида кўтарилган масалалар қатъий назоратга олинишини билдирдилар.

## Ижтимоий шериклик янада мустаҳкамланади

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Жамоат шартномалари ва келишувларининг аҳамияти» мавзуидаги матбуот анжуманида «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида касаба уюшмалари томонидан иш берувчилар билан ижтимоий шерикликда 22 минг 340 нафар фуқаро ҳамда 183 721 та оилага қарийб 82,5 млн. сўмлик ижтимоий кўмак берилгани қайд этилди**

— Фаолиятимизда жамоа шартномалари ва келишувлари орқали меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этиш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева. — Зеро, бу мамлакатимизда инсон ва унинг манфаатлари ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги кенг кўламли ислоҳотларга ҳамоҳангдир.

Матбуот анжуманида жамоа шартномалари доирасида ёшлар, хусусан, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган тадбирлар ҳам яхши самара бераётгани, хусусан, ўтган йили касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан 32 535 нафар битирувчига ишлаб чиқариш амалиётини ўташ даврида, ҳамда коллежларни имтиёзли диплом билан тугатиб, ишга жойлашган ёш мутахассисларга жами 744,5 млн. сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилгани таъкидланди.

Эътиборлиси, жамоа шартномалари орқали ишчи ходимлар ўртасида маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбираларини ташкил этиш, шунингдек, меҳнаткашлар ҳамда оила аъзоларининг дам олишлари учун ҳам қулай шароитлар яратиляпти. Натижада маданият муассасаларидаги тўгарак ва бадиий жамоаларга жалб этилган ўғил-қизлар бўш вақтларини сермазмун ўтказяптилар. Ҳар бир меҳнат жамоасида бошланғич касаба уюшмаси томонидан «Маънавият соатлари» ўтказилиб, уларда ходимларга мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти кенг тушунтириляпти. Жорий йилнинг биринчи чорагида 30 мингга яқин бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ана шундай «соатлар» ташкил этилиб, уларда 3 млн. нафардан ортиқ ходим иштирок этди.

Ўз навбатида, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ижтимоий шериклигида ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимлар ва уларнинг оила аъзолари, боқувчисини йўқотган оилалар вакиллари учун тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштирилаётганини ҳам айтиш жоиз. Жорий йилда 50 минг кишига ана шундай саёҳатлар уюштириш режалаштирилган бўлиб, бугунгача уларнинг 3 минг нафари турли зиёратгоҳларга юборилди.

Тадбирда жамоа шартномаларининг бажарилиши юзасидан доимий назорат ўрнатилгани, хусусан, ушбу масалалар ҳайъат органлари томонидан бир йилда бир марта кўриб чиқилаётгани таъкидланди.

**Акбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.**

## ХАБАРЛАР

### Маҳаллий кенгашлар фаолияти ва қонунчилик

Фарғонада «Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва улар доимий комиссияларининг фаолияти мониторинги ҳамда маҳаллий кенгашлар сайловига оид қонунчилик» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси томонидан ташкил этилган тадбирда сенаторлар, маҳаллий кенгашлар доимий комиссиялари раислари, сиёсий партиялар депутатлар гуруҳлари раҳбарлари, кўмаклашувчи комиссияга вилоятдан ёрдам берувчи ишчи гуруҳ аъзолари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари, Сенат кўмаклашувчи комиссияси раиси Мавжуда Ражабова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросим ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаларидан келиб чиқиб, маҳаллий кенгашлар депутатлари олдида турган вазифалар ҳақида сўз юритди.

Доимий комиссияларнинг 2012 йил иккинчи ярми ва 2013 йилдаги фаолияти мониторинги натижалари, маҳаллий кенгашлар сайловини ташкил этиш ва ўтказишнинг қонунчилик асослари, мазкур кенгашлардаги партия гуруҳларининг ўз ваколатларини амалга ошириш бўйича фаолияти, маҳаллий кенгашлар фаолиятини амалга оширишда юридик хизматнинг ўрни тўғрисида маърузалар тингланди.

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатларининг ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш борасидаги фаолиятида учраётган айрим камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикр алмашилди.

**М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири.**

### Евроиттифоқ вакиллари «Ангрен» МИЗ билан танишдилар

Жорий йилнинг 25 апрелида Европа Иттифоқига аъзо давлатлар (Словакия, Буюк Британия, Польша, Франция, Руминия, Германия, Болгария, Италия ва Чехия) элчихоналарининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтган вакиллари «Ангрен» махсус-индустриал зонасида бўлиб, бу ерда барпо этилган мис қувурлари заводи, «Ангрен» халқаро логистика маркази фаолияти, шунингдек, қурилиши якунланаётган шакар заводининг келгусидаги режалари билан танишдилар.

МИЗ дирекцияси ташаббуси билан ташкил этилган тақдимот маросимида дипломатик корпуслар вакилларига «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида бизнесни ривожлантириш ва инвестицияни жалб қилиш учун яратилган шарт-шароитлар, ўз навбатида, бу ерда транспорт ҳамда муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини яхшилаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам кенг маълумотлар берилди.

**Ш.ХЎЖАЕВ.**

## БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Ўйламасдан гапириш — нишонга олмай, ўқ узиш билан баробар».**

Мигель де Сервантес.

## O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН.** Нукусда O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан «Диплом билан — бизнесга-2014» лойиҳасининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда ёшларда бизнес кўникмаларини шакллантириш орқали уларни иш билан таъминлаш, айниқса, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш O`zLiDeP олдида турган долзарб вазифалардан бири экани таъкидланди.

— Лойиҳада паррандачиликни ривожлантиришга оид бизнес-режам билан иштирок этяпман, – деди Нукус қурилиш касб-ҳунар коллежининг 3-босқич талабаси С.Ўразбаев. — Менга лойиҳада ҳар бир иштирокчига ўз фикрини эркин ифодалаш, истеъдоди ва қобилиятини тўлиқ намоён этиш, бизнес-режасини ҳимоя қилиш учун тенг имконият яратиб берилгани айниқса манзур бўлди. Мамлакатимизда ташаббускор ёшларга билдирилаётган ишонч ўз натижаларини бераётгани барчага маълум. Мен ҳам ана шундай эътиборга жавобан бизнесимни бошлаб олганимдан кейин секин-аста уни кенгайтирган ҳолда тенгдошларимни иш билан таъминлаш, шу тариқа юртимиз равнақига оз бўлса-да ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

**ҚАШҚАДАРЁ.** Миришкор туманида «Мулкдор оила-2014» лойиҳасининг туман босқичи доирасида ўқув-семинар ташкил этилди.

Фермерлар кенгаши масъул ходимлари, туман Савдо-саноат палатаси, тижорат банклари ва солиқ идоралари вакиллари ҳамда партия фаоллари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни барқарор ривожлантиришда банк-молия муассасалари томонидан олиб борилаётган ишлар, хусусан, тадбиркорлик лойиҳаларини банклар орқали молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари ҳамда кредитларни расмийлаштириш жараёнлари ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.

— O`zLiDeP томонидан ташкил этилаётган бундай тадбирлар биз каби фермерлар учун маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда, — дейди Миришкор туманидаги «Чориев Камолиддин Қўлдошевич» кўп тармоқли фермер хўжалиги раиси Қўлдош Чориев. — Сабаби, йиғилишларда тадбиркорлар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини энди бошламоқчи бўлган иштирокчиларга дастлабки ва кейинги босқич жараёнларида учрайдиган баъзи бир муаммоларни ечиш борасида қимматли таклифлар ҳам билдириляпти. Ғаллачилик, пахтачилик, паррандачилик, балиқчилик йўналишларида кўп йиллик тажрибага эга бўлсам-да, бугун фаолиятимда янада чуқурроқ эътибор қаратишим керак бўлган жиҳатлар борлигини англаб етдим.

# Кучли қуйи бўғиндан — кучли партияга

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

**17 (545)-сон,** 2014 йил 1 май, пайшанба

## Сайловчи ва номзод ўртасидаги асосий кўприк

**Партия илгари сураётган ғоя ва мақсадларни кенг тарғиб этиб, оммавий-сиёсий ишларни тўғри йўлга қўйган, қуйи бўғинларга таянган номзодларгина сайловларда электорат ишончини қозона олади**

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»



O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган семинар-тренингда ана шундай фикр билдирилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловлар даврида бошланғич ташкилотлар салоҳиятидан унумли фойдаланиш, БПТларнинг электорат манфаатларини ҳал этишдаги иштироки, қуйи бўғин аъзоларининг қонунлар, давлат дастурлари ижроси устидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтириш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

— Айни пайтда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини иқтидорли ёшлар, тадбиркор ва фермерлар ҳисобига кучайтириш, аъзоларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлигини ошириш олдимизда турган долзарб масалалардандир, дея таъкидлади тадбирда O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи Дилшод Турсунов. — Сайлов эса аввалги сайловлардан кейинги фаолиятимиз учун ўзига хос сиёсий имтиҳондир. Бинобарин, ана шу муҳим жараёнгача O`zLiDeP фаоллигини янада кенгайтиришимиз, бунинг учун эса, энг аввало, электорат вакиллари манфаати юзасидан олиб борилаётган ишларни жонлантиришимиз керак. Гарчи ўтган даврда бу борада муайян натижаларга эришилган бўлса-да, ҳали фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини тан олишимиз даркор.

O`zLiDeP Касби туман кенгаши консультанти Ҳусан Абдиевнинг фикрича, партия аъзолигига қабул қилиш ўзига хос муҳим имтиҳондир.

Бугунги тезкор давр талаб ларидан келиб чиққан ҳолда партия сафига фаол ва ташкилотчи ёшлар, дастурий мақсадларимизни тарғиб қилишда барчага ўрнак бўла оладиган ташаббускор фуқароларни жалб этиш лозим, — деди Ҳ.Абдиев.

O`zLiDeP Ғузор туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Зулхумор Жабборова асосий эътибор ёшларнинг талаб ва эҳтиёжлари, имкониятларини ўрганиш ва улар олдида турган ҳаётий масалаларни ҳал этишга қаратилаётганини таъкидлади.

Тадбирда, шунингдек, айрим туманлардаги бошланғич ташкилотлар, БПТ фаоллари томонидан сусткашликка йўл қўйилаётгани ҳам тилга олинди. Семинар-тренингда сайловлар давомида бошланғич ташкилот аъзолари орасидан кузатувчи ва ваколатли вакил вазифасини бажара оладиган салоҳиятли фаолларни танлаш, кенгаш билан қуйи бўғин ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, партия дастурий мақсадларини тарғиб қилиш, сайлов технологиясининг замонавий шаклларидан самарали фойдаланиш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

> **«БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РАИСИ ВАЗИЯТНИ, ТЕЗ ЎЗГАРИБ БОРАЁТГАН СИЁСИЙ ШАРОИТНИ ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ҚИЛА ОЛИШИ, ХОЛИСОНА БАҲОЛАЙ БИЛИШИ ВА ЖОЙЛАРДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ УЧУН БУТУН МАСЪУЛИЯТНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛИШГА ДОИМО ТАЙЁР ТУРИШИ КЕРАК».**
>
> O`zLiDeP Уставидан.

## Ишончни оқлаш масъулияти

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар арафасида O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши омма орасига чуқурроқ кириб бориш, электорат вакиллари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида махсус ишчи гуруҳлари тузиб, жойларда очиқ мулоқотлар ташкил этмоқда**

**Беҳзод ИСРОИЛОВ,**
«XXI asr»

Кенгаш қарорига асосан партия вилоят ва туман кенгашлари мутасаддилари, халқ депутатлари вилоят ва туман кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, фермерлар кенгашлари раисларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан ҳозиргача тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотларда кўплаб учрашувлар ўтказилди. Тадбир давомида O`zLiDePнинг ғоя ва мақсадларини оммалаштириш, электорат вакиллари олдида турган муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, ишчи гуруҳининг Янгийўл, Юқори Чирчиқ, Чиноз, Ўрта Чирчиқ, Пискент, Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ, Бўка, Оҳангарон, Бекобод туманларидаги фаолияти ҳар жиҳатдан самарали бўлди, дейиш мумкин. 1300 дан зиёд корхона ва ташкилот, тадбиркорлик субъекти ҳамда фермер хўжалиги, 400 га яқин таълим муассасаси, шунингдек, маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилди. Энг асосийси, ана шу тадбирлардан кейин 8539 нафар фуқаро O`zLiDeP сафига кириш истагини билдирди. Ушбу жараёнда 64 та янги қуйи бўғинга асос солингани, уларнинг деярли ярми фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектларида ташкил этилгани ҳам эътиборга моликдир.

Қуйи Чирчиқ туманида ўтказилган учрашувлар ҳам баҳс-мунозараларга бой бўлди. Айниқса, «Қуйи Чирчиқ деҳқон бозори» МЧЖ, «Юлдуз» МФЙ, «Шерали агро файз», «Шаҳбоз», «Паризод-Аслзода», «Қалдаров Илҳомжон» фермер хўжаликларида уюштирилган мулоқотлар амалий тусда кечганлигини таъкидлаш жоиз.

— Мамлакатимизда сиёсий партиялар кўп. Аммо O`zLiDePнинг ғоя ва мақсадлари фаолиятимиз билан чамбарчас боғлиқ, дейди «Шерали агро файз» фермер хўжалигидаги янги қуйи бўғин етакчиси Шерали Эрматов. — Шу боис унинг сафида бўлишга аҳд қилдик. Ҳозирда 7 нафар аъзомиз бор. Айни кунда улар партиявий бурчни чуқур ҳис этиб, жамоага ҳар жиҳатдан ўрнак бўлишмоқда.

Партия вилоят кенгаши қошидаги Сиёсий таълим маркази раҳбари, ишчи гуруҳи аъзоси Д.Дарвешованинг айтишича, ўтказилган тадбирлар натижасида туман ҳудудида 11 та бошланғич ташкилот тузилган, 173 киши O`zLiDeP сафига қабул қилинган. Қолаверса, учрашувлар ва очиқ мулоқотлар чоғида аниқланган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг бир қанчаси ишчи гуруҳи аъзолари саъй-ҳаракати билан тўлиқ ҳал этилди, айрим масалалар юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилди.

Таъкидлаш жоизки, тадбирлар давомида билдирилган таклиф ва тавсиялар мониторинг қилиниб, шу асосда тегишли хулосалар чиқарилмоқда. Бу эса муҳим ҳаётий масалаларга электорат вакиллари диққатини жалб қилиш имконини бераяпти.

— Айни кунда вилоятимизда 247 та йирик саноат корхонаси, 18597 та тадбиркорлик субъекти, 6359 та фермер хўжалиги фаолият юритяпти, — дейди партия вилоят кенгаши раиси ўринбосари, ишчи гуруҳи раҳбари Т.Файзиев. — Иқтисодий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштиришда уларнинг ҳиссаси катта бўлаётир. Биз давр ўртага қўяётган талаблардан келиб чиқиб, партия тузилмалари фаолиятини кенгайтириш, уларнинг омма билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ҳаракат қилаяпмиз. Зеро, ана шу йўл билангина белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва реал натижаларга эришиш мумкин.

## «Чақмоқ»дан ибрат олинг

Жиззах туманида ташкил этилган ва O`zLiDeP туман кенгаши масъул ходимлари, қуйи бўғин етакчилари, қишлоқ мулкдорлари қатнашган навбатдаги давра суҳбатида асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини янада кенгайтириш, бу борадаги илғор ташаббусларни ўз вақтида қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ масалаларга қаратилди.

— Электорат сафларини кенгайтиришда оммавий-сиёсий тадбирларнинг аҳамияти катта, — дейди «Чақмоқ» фермер хўжалиги раҳбари, БПТ етакчиси Зафар Ҳакимов. — Шуни назарда тутиб, давр билан ҳамқадам бўлиш, партиявий масъулиятни оширишга ҳаракат қиляпмиз.

Қайд этиш жоиз: туманда «Чақмоқ» фермер хўжалигининг ўз ўрни бор. Бу ерда кунига 6 тоннадан зиёд сут замонавий технологиялар асосида қайта ишланиб, вилоятдаги 45 та мактабгача таълим муассасасига етказиб берилаётир. Шунингдек, Жиззах шаҳридаги «Эски шаҳар» деҳқон бозорида «Чақмоқ»қа қарашли савдо шохобчалари ҳам фаолият юритмоқда.

— Ҳозиргача 21 та доимий, 18 та мавсумий иш ўрни яратишга муваффақ бўлдик, — дейди қишлоқ мулкдори. — Мавжуд ер майдонини янада кенгайтириш, зотли қорамоллар сонини кўпайтириш, янги техника воситалари харид қилиш яқин келажакдаги режаларимиздир. Шу мақсадда банкдан 1 млрд. сўм кредит олишни мўлжаллаб турибмиз.

## Фармон ва қарор ижросини назорат қиламиз

Республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси Андижон вилоят бўлимида фаолият юритаётган қуйи бўғин ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбатида Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мазмун-моҳияти хусусида атрофлича сўз юритилди.

Тадбирда O"zLiDeP вилоят ва шаҳар кенгашлари масъул ходимлари, қуйи бўғин етакчилари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари, ҳуқуқшунослар иштирок этдилар.

— Юқоридаги ҳужжатлар партиямизнинг Ҳаракат дастуридан ўрин олган вазифаларни амалга оширишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади, — дейди уюшма бошланғич партия ташкилоти етакчиси Ойбек Мўминов. — Шундай экан, фармон ва қарор моҳиятини партия электоратига етказишимиз, уларнинг ижроси устидан кенг жамоатчилик назорати ўрнатилишига яқиндан кўмаклашишимиз лозим.

**Ўз мухбиримиз.**

## Маҳаллаларда ҳуқуқий маслаҳатхоналар



Пойтахтимиздаги «Жавоҳир-Ҳумо» адвокатлик бюросида иш олиб бораётган бошланғич партия ташкилоти фаоллари саъй-ҳаракати билан Тошкент шаҳар ҳакамлик суди, шунингдек, «Тадбиркор аёл» уюшмаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлинмалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тобора мустаҳкамланмоқда.

Бунинг самараси ўлароқ, «Оқтепа», «Хирмонтепа» ва «Бектўпи» маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида бепул ҳуқуқий маслаҳатхоналар ташкил этилди. БПТ етакчиси Дармона Эшимбетованинг айтишича, ўтган қисқа давр орасида қарийб 150 кишига юридик маслаҳатлар берилиб, 10 дан зиёд фуқаро манфаати судларда ҳимоя қилинган.

Эътиборлиси, ушбу жараёнда қуйи бўғин аъзолари партиянинг дастурий ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб этиб, O`zLiDeP сафларининг кенгайишига ҳам муносиб ҳисса қўшяптилар.

### БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Ҳеч нарса инсонни узоқ давом этган жисмоний ҳаракатсизликдек ҳолдан толдирмайди».**

Арасту.



XASR I
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

2014 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда!

Мурожаат учун телефон:
(8 371) 215-63-80.

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Кичик бизнеснинг молиявий таянчи

**2006 йилнинг 5 майида Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банки ўтган қисқа давр мобайнида мижозлар сонини 207 мингдан оширди**

Мусурмон РЎЗИЕВ,
«XXI asr»



Солих ЗОИР олган сурат

Айни пайтда банк томонидан иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитлар 686,6 млрд. сўм, узоқ муддатли сармоялар миқдори эса 514 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар турини кўпайтириш, сифатини яхшилаш диққат марказида турган масалалардан биридир. Шу мақсадда мавжуд 85 та филиал ва 166 та минибанк имкониятларидан тўла фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Мижозлар сони эса 207 мингдан ошди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолияти, оилавий бизнес, аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринларини яратиш, аҳоли турмуш маданияти ва фаровонлигини оширишга эришилаётир.

Банкнинг инвестицион нуфузи халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Чунончи, «Fitch Ratings» агентлиги 2014 йил февраль ойида «Микрокредитбанк»нинг кредитга лаёқатлилик рейтингини «Барқарор» («В»), дея баҳолади. Бу эса жамоа аъзоларини янги марралар сари руҳлантирмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 124,4 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди. Кўрсатилган микромолиявий хизматлар ҳажми эса 44,8 млрд. сўмни ташкил этди.

Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш учун жами 12,9 млрд. сўм сармоя йўналтирилди. 2014 йилда аёл тадбиркорлар, жумладан, ходимларнинг камида эллик 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 67,1 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратиш режалаштирилган. Йилнинг дастлабки чораги давомида берилган сармоялар миқдори эса 18,3 млрд. сўмдан зиёдроқдир.

*Жорий йилнинг ўтган даврида банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 124,4 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди.*

Экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Ўтган қисқа давр мобайнида ана шу мақсадлар учун 45,7 млн. сўм миқдорида инвестицион кредитлар ажратилганлиги фикримизни тасдиқлаб турибди.

Банк томонидан ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, уларга уй-жой сотиб олиш, қуриш ва реконструкция қилиш учун яқиндан ёрдам кўрсатилмоқда. Бундай ёрдам миқдори ҳозиргача 591 млн. сўмдан ошди. Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун тадбиркорлик субъектларига 22,4 млрд. сўм миқдорида маблағ ажратилди. Узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган маҳаллий уй-рўзғор буюмларига бўлган талаб-эҳтиёжларни қондириш, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ички бозорни тўлдиришга кўмаклашиш мақсадида жами 33,4 млрд. сўм сармоя йўналтирилди. Шунингдек, кичик бизнес субъектларининг лойиҳаларини ўз вақтида молиялаштириш учун Хусусий секторни ривожлантириш Ислом Корпорациясининг 10 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияси жалб этилганлиги ҳам эътиборга моликдир.

Мухтасар айтганда, «Микрокредитбанк» мамлакатимиз молия бозоридаги саккиз йиллик фаолияти давомида муайян ютуқларга эришиб, тадбиркор ва ишбилармонларнинг яқин ҳамкорига айланди. Бу эса унинг нуфузи тобора ошиб бораётганидан далолат беради.

# Мижозлар сафи кенгаймоқда

**Айни пайтда акциядорлик-тижорат «Ипотека банк»нинг Самарқанд вилоят филиали 280 832 мижозга хизмат кўрсатмоқда. Шундан 4 352 таси юридик, 276 480 таси жисмоний шахсдир**

Н.ТОШЕВ,
«XXI asr»



Сўзимиз аввалида айтмоқ жоизки, пул-кредит муносабатларини замон талаблари даражасида ташкил этиш АТ «Ипотека банк» вилоят филиали фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Бу эса янгидан-янги ютуқларга эришиш, мижозлар сафини янада кенгайтириш имконини бермоқда.

– «Соғлом бола йили»да ҳам аниқ режаларни кўзлаганмиз, — дейди банкнинг вилоят филиали бошқарувчиси Жамшид Элмуродов. Хусусан, соғлом ва баркамол авлодни камол топтириш, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, уй-жой шароитларини яхшилаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун кенг имтиёзлар яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Иқтисодиётнинг реал секторини янада ривожлантириш, корхоналарда замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, модернизациялаш жараёнларини чуқурлаштириш, нақд пул муомаласини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда.

Чунончи, йилнинг дастлабки чораги давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 10,2 млрд. сўм кредит ажратилди. Бу 2013 йилнинг мос даврига нисбатан анча кўпдир. Хусусан, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун барча молиялаш манбалари ҳисобидан 1,039,0 млн. сўм кредит сармояси йўналтирилди. Натижада шаҳар ва туманларда қўшимча иш ўринлари кўпайиб, аҳоли ўртасида бандлик даражаси ошмоқда.

Дарҳақиқат, шундай. Қишлоқ ҳудудларида барча қулайликларга эга бўлган намунавий уй-жойларни барпо этиш ҳозирги кундаги муҳим вазифалардан биридир. Банк филиали бу борада ҳам фаол иш олиб бормоқда. Жумладан, вилоятнинг Қўшработ туманидаги Булоқбоши ва Қуролаш, Оқдарё туманининг Найман, Коратери, Қиркдархон, Муллахўжа массивларида жами 137 та замонавий уй-жой қурилиши жадаллик билан олиб борилаяпти.

Барча жойда бўлганидек, Самарқандда ҳам кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик тобора оммалашмоқда. Бошланғич сармояни шакллантириш учун банк томонидан ҳозиргача оилавий тадбиркорларга 83,2 млн. миқдорида сўм сармоя ажратилди.

Кўпгина иқтидорли ёшлар ҳам банк кўмаги орқали ишбилармонлар сафига қўшилишмоқда. Жорий йилнинг уч ойи мобайнида касб-ҳунар коллежларини битирган 14 нафар йигит-қизга банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 223,5 млн. сўм кредит берилганлиги ҳам фикримизга мисол бўлиши мумкин.

Бундан ташқари 2014 йилнинг дастлабки чораги мобайнида ишлаб чиқариш тармоқларига имтиёзли кредитлаш жамғармаси фонди ҳисобидан 49 млн. сўм сармоя йўналтирилди, натижада ҳудудларда 114 та қўшимча иш ўрни яратилди. Ўтган уч ойда жами кредит қўйилмалари миқдори 49 900,7 млн. сўмни ташкил этди. Бу 2013 йилнинг айни даврига нисбатан 13 фоизга кўп, демакдир.

Кўринадики, АТ «Ипотека банк»нинг Самарқанд филиали илғор тажрибаларга таяниб, мижозларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Мамлакатимиз молия бозорида унинг мавқеи тобора мустаҳкамланаётганлигини ҳам ана шу билан изоҳлаш жоиз.

## ХАБАРЛАР

### Юз нафар битирувчи ишга жойланди

Президентимизнинг «Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Фарғонада вилоят ҳокимлиги, прокуратураси, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси ҳамкорлигида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Унда 69 та корхона, муассаса ва ташкилотлар 1169 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Натижада 1000 нафар киши ишга жойлашган бўлса, уларнинг 100 нафари касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.

— Педагогика коллежини битиряпман, — дейди Нигора Темирова. — Бугунги ярмаркада қатнашиб, 36-умумтаълим мактабига ишга жойлашиш учун шартнома имзоладим.

### «Биз буюк юрт фарзандларимиз!»

Фарғона вилоятининг Қува туманида ўтказилган ёшлар сайли ана шундай номланди.

— Юрт тараққиёти ёшлар қўлида, — дейди туман «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раиси Азимжон Йулдошев. — Шундай экан, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида, ҳар томонлама етук, салоҳиятли этиб тарбиялаш мақсадида бугунгидек тадбирларни изчил давом эттираверамиз.

Сайлда спортчиларнинг чиқишлари, ёшларнинг ижод намуналари, ҳунармандларнинг кўргазмалари ташкил этилди. Бу эса навқирон авлод вакилларининг касб-ҳунар, илм-фан ва спортга бўлган қизиқишларини янада ошириши турган гап.

### Асакаликлардан ўрганинг

Аҳолига намунали савдо хизмати кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида Асака туман «Деҳқон бозори» МЧЖда амалий семинар ўтказилди.

Унда деҳқон бозорлари раҳбарлари, «Элга хизмат» шўъба корхоналари бошлиқлари, прокуратура ва давлат солиқ идоралари, Давлат санитария- эпидемиология назорати марказлари вакиллари иштирок этди. Тадбир қатнашчилари мазкур МЧЖда аҳолига савдо хизмати кўрсатилиши юқори даражада ташкил этилганлигини алоҳида таъкидладилар. Шу ўринда «Маънавият ва маърифат» бўлими ходимлари томонидан бозорда фаолият юритаётган 300 нафар тадбиркор аёлга савдо ва муомала маданияти ҳақида кенг тушунчалар берилаётгани, уларнинг тиббий кўриги, кийиниш маданияти доимо назоратга олинганини ҳам қайд этиш жоиз. Миллий матоларимиз кўрки бўлган атласдан тикилган махсус кийим-кечаклар эса савдогар опа-сингилларимиз чиройига-чирой қўшяпти.

Мазкур МЧЖда «Элга хизмат» шўъба корхонасининг иккита шохобчаси фаолият олиб боряпти. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу шохобчалардаги маҳсулотларнинг сифати кафолатланган.

— Корхонамиз 2 йилдан бери фаолият юритиб келяпти, — дейди «Элга хизмат» шўъба корхонаси раҳбари Муҳаммадсоли Ҳакимов. — Яна битта янги шохобча очмоқчимиз. Унда асосан фермер хужаликларида етиштирилаётган мева, узум, сабзавот маҳсулотларини шартнома асосида харид қилиб, аҳолига арзон нархда сотмоқчимиз.

**Аҳроржон МУСУРМОНОВ.**

## БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Кечаги кундан ўрганинг, бугунни яшанг, эртадан умид қилинг. Энг муҳими — савол беришдан тўхтаманг».**

Альберт Эйнштейн.

# ТАДБИРКОРЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАМДА ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**«XXI ASR» ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ**

Президентимизнинг «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» номли маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар, долзарб вазифалар, айниқса, хусусий сектор вакилларини қўллаб-қувватлаш борасидаги масалалар ижросини таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда фаол иштирок этиш мақсадида Сизларни қизиқтираётган саволлар юзасидан мутасадди идоралар вакиллари иштирокида тўғридан-тўғри мулоқотлар уюштирмоқда.

ҚАДРЛИ ФЕРМЕРЛАР, ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ЮРТДОШЛАР!

Очиқ мулоқотда фаол қатнашиб, қуйида номлари келтирилган ташкилот, муассаса мутасаддиларига ўзингизни қизиқтирган саволлар ва фаолиятингизга халақит бераётган муаммолар юзасидан мурожаат қилишингиз мумкин.

Бугунги кунда тадбиркорликка, қишлоқ мулкдорлари фаолиятини кенгайтиришга қаратилган юксак эътиборга қарамай, айрим ҳудудларимизда соҳани жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган масалаларнинг ижобий ҳал этилиши, шубҳасиз, юртимиз равнақи ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилади. Ўйлаймизки, тўғридан-тўғри мулоқотда кўтарилган мавзулар тадбиркор ва ишбилармон юртдошларимиз, қишлоқларда етакчи кучга айланган фермерларни ҳам бефарқ қолдирмайди.

**МАРҲАМАТ, ЁЗИНГ, ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ! МУРОЖААТЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ.**

**ОЧИҚ МУЛОҚОТГА:**

АТ «Ипотека банк» бошқаруви раиси Омон Мусаев, Давлат солиқ қўмитаси, «Тадбиркор аёл» ассоциацияси, «Микрокредитбанк» ОАТБ раҳбарлари таклиф этилган.

Бешинчи мулоқот **2014** йилнинг **16** майида «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида (Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, **73**-А уйда) соат **16.00** да ўтказилади. Тадбиркор ва ишбилармонларнинг саволларига АТ «Ипотека банк» бошқаруви раиси Омон Мусаев жавоб қайтаради.

*Умид қиламизки, мулоқотга таклиф этилган мутасадди идоралар вакиллари таҳририят ташаббусини қўллаб-қувватлаб, тадбиркор юртдошларимизни қизиқтираётган саволлар, улар фаолиятига оид ҳаётий масалаларни ҳал этиш учун вақт топадилар.*

**Саволлар қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинмоқда:**

**(+998 71) 281-40-17, 215-63-80.**
**(+998 95) 194-83-95, 194-83-96.**

Электрон почта: **XXI_ASR@mail.ru**

# Кюнонинг ихтироси

## Таҳлилчилар 2035 йилгача дунё миқёсида 16 миллион километрга тенг янги йўллар қурилиб, бунинг учун салкам 20 триллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланишини таъкидламоқдалар



Юқоридаги рақамлар бежиз тилга олинаётгани йўқ, албатта. Чунки 23 йилдан кейин сайёрадаги автомобилларнинг умумий сони 1,7 миллиардга етиши мумкин. Мисол учун, Хитойда 2010 йили ҳар минг кишига 4 та автомобиль тўғри келган бўлса, 2035 йилга бориб бу кўрсаткич 310 тага етиши таъкидланмоқда. Ҳиндистонда эса ҳозирги 14 миллион автоуловнинг 160 миллионга кўпайиши тахмин қилинаётир. Худди шу даврга келиб дунё автомобиль бозорининг 3 фоизини табиий газ, 4 фоизини электр ҳамда 20 фоизини гибридли автоуловлар эгаллайди.

Маълумки, 1770 йилда француз муҳандиси Н.Кюно аравага от ўрнига буғ машинаси ўрнатганидан кейин ушбу қурилмани автомобиль, яъни «ўзи юрувчи» деб атади. Ўша воқеадан бир асрдан кўпроқ вақт ўтиб, немис муҳандиси Карл Бенс ёқилғи билан ишлайдиган двигателга асос солди ва бугунги кундаги автомобилларнинг пайдо бўлишига катта ҳисса қўшди.

Таъкидлаш жоиз: кейинги йилларда дунё автомобилсозлик саноатида юзага келган кучли рақобат «темир дастёр»ларнинг шакл-шамойили ва имкониятларига жуда катта таъсир ўтказмоқда. Йирик автоконцернлар ўз маҳсулотларини сотиш учун юқори технологиялардан унумли фойдаланишяпти. Ҳатто бугунга келиб учадиган автомобиллар ҳам яратила бошланди. Ўтган йили АҚШнинг «Terrafugia» компанияси дунёда биринчи учувчи автомобиль яратиш устида иш олиб бораётганини маълум қилган эди. 500 от кучига эга бўлган гибрид двигателли ушбу машина маиший электр тармоғидан қувват олиб, ҳавода 322 км/соат тезлик билан ҳаракатланиши кутиляпти. Муҳандислар учар машинани бошқариш оддийларига нисбатан бироз мураккаброқ, аммо у фан тараққиётида мисли кўрилмаган янгилик бўлишини таъкидламоқдалар. Ана шундай ўзгаришлар автомобиль олди-сотдисида ҳам яққол кўзга ташланаётир. Мисол учун, ўтган йили дунё миқёсида 71 миллиондан зиёд автомобиль сотилгани ҳисобга олинса, жаҳон саноат тармоқлари орасида биринчи ўринда турган автомобилсозлик соҳаси жуда тез тараққий этаётганини англаш қийин эмас, албатта.

Табиийки, автомобиль ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича Европа етакчилардан саналади. Аммо мутахассислар кейинги 3 йилда Европа автомобиль бозорида пасайиш қайд этилгани, «кўҳна қитъа»нинг автомобиль саноати охирги ўн йилликда оғир инқирозни бошдан кечираётганини таъкидламоқдалар. Масалан, 2011 йилда ЕИда янги машиналарнинг савдо ҳажми 17 йил ичида илк маротаба 8,2 фоизга тушиб қолди. Бу биринчи ярим йилликдаги кўрсаткич, холос. Йилнинг иккинчи ярмида савдо ҳажмининг пасайиш суръатлари икки хонали сонлар билан ифодалана бошланди. Бу рақам деярли 2 бароборга ошиб, 16,3 фоизга етди. Бу борада энг ачинарли аҳвол Грецияда юз бераётир. Европанинг «хаста томири»га айланган мамлакатда машиналарга талаб 40,1 фоизга тушган. Португалияда ҳам худди шундай ҳолат кузатилмоқда. Таъкидлаш жоиз, Европа автосаноатидаги бундай ҳолат 2008 йилда бошланган молиявий-иқтисодий инқироз билан боғлиқ, албатта. Ҳукуматлар ўшанда эски автомобилларни утилизация қилиш билан бозорларни рағбатлантирган бўлса, энди ўсиш учун ҳеч қандай захира қолмаганлиги айтиляпти. Бироқ бу барча автоконцернларга ҳам таъсир ўтказаётгани йўқ. Мазкур ҳолат асосан паст ва ўрта синфдаги машиналар ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Сабаби айни шу каби автомобилларнинг харидорлари иқтисодий инқироздан кўпроқ жабрландилар. Хусусан, ўтган йили автомобиль бозорида антиқаҳрамон бўлган Франциянинг «Peugeot» ва «Citroen» уловлари савдоси 8 фоизга пасайган. Шу боис бир неча ой муқаддам Хитойнинг автомобиль ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Dongfeng» компанияси Франциянинг «Peugeot» автоконцернига 1,1 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритишга тайёр эканини маълум қилди. Унга кўра, «Peugeot», «Citroen» компаниялари зарур капиталга эга бўлган бўлса, «Dongfeng Motor Co.» эса Франциянинг нуфузли бренди ва унинг илғор технологияларидан фойдаланиш имкониятини қўлга киритди.

**_2013 йил давомида ўзбекистонлик автомобилсозлар томонидан 246,6 мингта енгил автомобиль ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан 90,8 мингтаси экспорт қилинди._**

Аксинча, люкс туркумидаги автомобилларга инқироз деярли таъсир ўтказмади. Чунки уларда қўшимча сармоя ҳамда маҳсулотга талаб сўнмаган. Умуман олганда, бу сигментдаги савдо ҳажми ўсишда давом этяпти. Қўшма Штатларнинг Детроит шаҳрида ўтган халқаро автосотув натижалари ҳам шундан далолат беряпти. «Бентли», «Порше» каби қимматбаҳо автоуловларнинг сотув ҳажми эса ўтган йили 20 фоизга кўтарилган. Таҳлилчиларнинг фикрича, қиммат машиналар учун энг яхши бозор Европа эмас, балки АҚШ, Хитой ва ривожланаётган мамлакатлар бўлиб қолмоқда.

Албатта, бугунги тезкор замон ишлаб чиқарилаётган автомобиль моделларини янгилаб, сифатини муттасил ошириб боришни тақозо этмоқда. Чунки кучли рақобат шароитида муайян мамлакат бозорига кириб бориш, унда муносиб ўрин эгаллаш ва сақлаб туриш осон эмас. Мустақил Ўзбекистон ҳам автомобилсозлик саноати пойдеворини ана шундай омиллар асосида мустаҳкамлаб бораётган мамлакатлар сирасига киради. Маълумки, мамлакатимиз 2008 йилда «General Motors» корпорацияси билан ишончли ҳамкорликни йўлга қўйди. Асака автомобиль заводида «Chevrolet» русумидаги «Lacetti», «Captiva», «Epica» автомобиллари ишлаб чиқарила бошланди. Ушбу автоуловлар нафақат юртимиз, балки хориж бозорларидан ҳам муносиб ўрин эгаллаб, харидорлар ишончини қозонаётир. Автомобилларимиз кенг тармоқли дилерлик савдо корхоналари орқали Россия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Туркманистон, Арманистон, Грузия, Молдова каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Қувонарлиси, 2013 йил давомида ўзбекистонлик автомобилсозлар томонидан 246,6 мингта енгил автомобиль ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан 90,8 мингтаси экспорт қилинди. Аҳамиятли жиҳати 2012 йилда Қозоғистон автомобиль бозорини эгаллаган ишлаб чиқарувчилир рўйхатида Асака заводи Россиянинг «АвтоВАЗ» ва Япониянинг «Toyota» компанияларидан кейинги учинчи ўринни эгаллаган бўлса, ўтган йили иккини ўринга кўтарилган. Хусусан, kapital.kz сайтининг хабар беришича, йил якунларига кўра Қозоғистонда сотилган автомобиллар сони бўйича «Лада» (57 мингта) пешқадамлик мавқеини сақлаб қолган бўлса, «Daewoo» бренди остидаги «Matiz», «Nexia»лар (13 771 та) иккинчи ўринни эгаллаган. «Hyundai» (12 250 та), «Toyota» (12132 та) русумидаги автомобиллар эса учинчи ва тўртинчи поғоналарни банд этишган. Жорий йилда «GM Uzbekistan» қўшма корхонаси ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилга нисбатан 2 фоизга ошириш учун тинимсиз меҳнат қилмоқда. Ана шу рақамлар мамлакатимизда замонавий автомобилсозлик йилдан-йилга ривожланиб, янги паллага кириб бораётганини кўрсатмоқда. Албатта, 22 йил аввал хорижлик сармоядорлар билан музокара қилишнинг ўзи хомхаёл эди. Эндиликда эса Ўзбекистон дунёнинг манаман деган автоконцерни ва компаниялари билан бемалол рақобатлашяпти. Бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Кечикиб бўлса-да, Россия ҳам ушбу соҳага эътиборни кучайтирмоқда. Маълумотларга қараганда, яқин уч йил ичида Россия автосаноати давлатдан 312 млрд. рубль маблағ олади. «За рулем» журнали хабарига кўра, ушбу сармоя федерал бюджетнинг 2014-2016 йилларга мўлжалланган режасига ҳам киритилиб, энг аввало, автокорхоналарни ривожлантириш, имтиёзли кредит ставкаларини қоплаш, автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилади.

Европа бизнеси ассоциацияси маълумотларига кўра, 2012 йилда РФда жами 2,935 млн. дона янги автомобиль сотилган бўлиб, уларнинг асосий қисми шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилган. Хусусан, улар орасида 537 мингдан зиёд «Lada» автомобиллари ва Ўзбекистонда тайёрланган (GM-Uzbekistan) 88232 та автоулов ҳам бор.

Кўриниб турганидек, айни пайтда транспорт воситаси инсоннинг «темир дастёр»ига айланиб бўлди. Аммо дунё автосаноати ва унинг яқин келажакдаги тақдири борасида нуфузли ташкилотлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар автомобиль савдоси секин-аста инқирозга юз тутиши мумкинлигини кўрсатяпти. Бунга уларнинг экологияга етказаётган зарари ва ёнилғи маҳсулотларининг йилдан-йилга камайиб кетаётганлиги асосий сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Мисол учун, Ҳиндистонда янги автомобилларга бўлган талаб кескин пасаймоқда. Мамлакат аҳолисининг кўп қисми енгил автомобилда юришдан кўра жамоат транспортларини маъқул кўришяпти. Молиявий ҳисоботларга қараганда, мамлакатда автомобиль савдоси 6,7 фоизга тушиб кетган. Бу сўнгги 10 йилдаги энг паст кўрсаткичдир. Март ойининг ўзида ҳам савдолар 22,5 фоизга пасайган. Икки йил аввал Ҳиндистон Хитойдан сўнг иккинчи энг тез ривожланаётган бозор бўлиб, савдолар йилига 30 фоизгача ўсиб бораётган эди. Аммо ёқилғи нархларининг ўсиши, кредит бўйича ставкалар ва иқтисодий қийинчиликлар йирик инвесторларнинг секин-аста мамлакатдан чиқиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Худди шунингдек, дунё автомобиль саноатида юқори мавқега эга бўлган АҚШда ҳам аҳолининг аксарият қисми муқобил йўл-транспорт воситалари, яъни жамоат ва велосипедни афзал кўрмоқда. Уларнинг фикрича, айнан енгил автомобилларнинг ҳаддан зиёд кўпайиши йўлларда доимий тирбандликларни юзага келтираётир. Бу эса кишилар кундалик ҳаётида кўплаб муаммоларни юзага келтиряпти.

Лекин, нима бўлганда ҳам, ҳозирча автомобилсозлик дунё иқтисодиётини юксалтириш, инсон оғирини енгил, узоғини яқин қилувчи восита сифатида саноатнинг энг муҳим тармоғи бўлиб қолмоқда.

## Бир ҳовуч дур

**«Табиб беморни учта курол — сўз, гиёҳ ва пичоқ билан даволайди».**

Ибн Сино.

* * *

**«Ҳаммага ошно тутинган киши ҳеч кимга дўст бўла олмайди».**

Арасту.

Эълон

КОРХОНА МЕНЕЖЕРЛАРИ УЧУН
ЕВРОПАДА МАЛАКА ОШИРИШ ДАСТУРИ

The project is financed by the European Union

Management Training Programme
MTP

Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилаётган «Менежментга ўқитиш дастури (МЎД) – Ўзбекистондаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари раҳбарларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш» лойиҳаси (қуйида Лойиҳа деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ЕИ компанияларида Ўзбекистондаги кичик бизнес корхоналари менежерлари малакасини ошириш учун **аризалар қабул қилишини эълон қилади.**
Малака ошириш Европа Иттифоқининг 28 мамлакатидаги компанияларда амалга оширилиб, улар ўзаро келишув асосида иштирокчилар ёки лойиҳа томонидан танланиши мумкин.

Лойиҳанинг асосий мақсади — Ўзбекистонда кичик бизнесни самарали бошқариш ва унинг узоқ келажакдаги барқарор ривожланишини таъминлашга қодир малакали ва салоҳиятли тадбиркор ҳамда менежерлар сонини кўпайтиришдан иборат. Бу босқичда қўйилган мақсадга эришиш учун Европа компанияларида Ўзбекистондаги кичик бизнес раҳбарларининг малакасини ошириш орқали лойиҳа уларни ўқитишни амалга оширади.

Малака ошириш дастури лойиҳасининг мақсади ўзбекистонлик менежерларнинг бошқарув кўникмаларини ошириш, уларни бизнесни бошқариш ва юритишнинг европача усулларига ўқитиш, ЕИ ва Ўзбекистон компаниялари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдан иборат. Номзодлар стажировкада иштирок этишдан кўзланган мақсадни аниқ кўрсатиши ҳамда бу унинг ҳамда компаниянинг ривожига қандай ижобий таъсир кўрсатишини қайд этиши лозим.

Танланган иштирокчилар учун лойиҳа тренинг ва стажировкаларида иштирок этиш бепул амалга оширилади. Транспорт билан боғлиқ барча харажатлар (авиабилет учун 400 евро миқдоридаги шахсий тўловдан ташқари), шунингдек, Европа Иттифоқи мамлакатларида жойлаштириш, визалар, суғурта лойиҳа маблағлари эвазига қопланади.

Барча талабларга жавоб берадиган кичик бизнес корхоналари ва уларнинг раҳбарлари, менежерларигина малака ошириш учун ариза топшириш ҳуқуқига эга.

**АРИЗАЛАРНИ ТОПШИРИШ МУДДАТИ:**

Номзодларнинг аризалари 2014 йилнинг 19 майидан 31 майига қадар қабул қилинади. Аризанинг расмий шакли МЎД лойиҳасининг расмий сайти (**www.mtpeu.uz**)да 2014 йил 19 майдан бошлаб жойлаштирилади.

Сўров шаклини тўлдиргандан сўнг номзодлар аризанинг имзоланган ва сканер қилинган нусхасини қўшимча зарур ҳужжатлар билан бирга mtp@mtpeu.uz электрон манзилига юборишлари лозим (нусхаси **mtpeu.uz@gmail.com** га).

**Қуйида электрон сўровга илова қилинадиган қўшимча ҳужжатлар келтирилган:**
1.Компания рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома ва низом ҳужжатларининг сўнгги талқини;
2.Компаниянинг солиқ органлари олдида ҳеч қандай мажбурияти йўқлигини тасдиқловчи сертификат;
3.Пул маблағларининг йиллик айланмаси ва сўнгги икки йил (2012 ва 2013) учун мусбат даромад миқдорини тасдиқловчи сертификат(лар);
4.Компаниянинг кадрлар бўлимидан ишчилар сонини тасдиқловчи маълумотнома;
5.Номзод паспорт нусхаси;
6. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
7.Умумий меҳнат стажи 6 йилдан кам эмаслигини тасдиқловчи сертификат(лар);
8.Компания кадрлар бўлимидан номзоднинг мавқеи ва 2 йиллик бошқарув тажрибасини тасдиқловчи сертификат(лар) (камида 3 та ҳисобдор шахсни кўрсатган ҳолда).

Сўров шакли босма нусхасининг имзоланган асл нусхалари ва қўшимча ҳужжатлар 2014 йил 31 майга қадар Ўзбекистон, Тошкент шаҳри-100047, Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-манзилда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, «Management Training Programme» лойиҳасининг офисига юборилиши лозим.

europeanprofiles
A project implemented by a Consortium led by European Profiles S.A.

CHAMBER OF COMMERCE AND INDUSTRY OF UZBEKISTAN

Кичик бизнес корхоналари ва уларнинг раҳбарларини танлаш жараёни ва мезонлари ҳақидаги батафсил маълумотни Лойиҳанинг www.mtpeu.uz сайти ҳамда (+99871) 150-60-06, 233-59-01 телефонлари орқали олиш мумкин.
Махсус изоҳ: Танлов жараёни гендер тенглиги масаласини ҳисобга олган ҳолда камида 20 % аёл номзодни танлаб олишни кўзда тутади.

Хизматлар лицензияланган

## Мақсад — қитъа чемпионлигини қўлга киритиш

Футзал бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Осиё чемпионатининг гуруҳ босқичида Япония, Қирғизистон ва Жанубий Корея терма жамоалари билан беллашади

**Шухрат ХЎЖАЕВ,**
«XXI asr»



Таъкидлаш жоиз: Вьетнамда бўлиб ўтаётган нуфузли мусобақага қадар Баҳодир Аҳмедов мураббийлигидаги спортчиларимиз Хитойда ташкил этилган ўқув-машғулот йиғини доирасида ана шу мамлакат терма жамоасига қарши майдонга тушдилар. Иккита ўртоқлик учрашувининг бирида дуранг (1:1) қайд этган футзалчиларимиз кейинги баҳсда 1:0 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Хошимин шаҳри мезбонлик қилаётган Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз дастлабки учрашувни бугун (ўйин Тошкент вақти билан соат 16:30 да бошланади) Қирғизистон терма жамоасига қарши ўтказишади. 3 май куни 2-тур доирасида Япония терма жамоаси билан беллашадиган йигитларимиз 5 май куни Жанубий Корея футзалчиларига қарши майдонга тушадилар.

Осиё Футбол конфедерацияси томонидан ўтказиладиган мусобақа регламентига кўра, чорак финалга гуруҳда дастлабки икки ўринни эгаллаган жамоалар йўл олади.

Маълумот ўрнида 1999 йилдан 2008 йилга қадар ҳар йили, ундан кейин эса икки йилда бир марта ўтказилаётган мазкур турнирда фақат Эрон (10 марта) ва Япония (2 марта) терма жамоалари мутлақ ғолибликни қўлга киритиб, қитъа чемпиони деган номга сазовор бўлганини айтиб ўтиш лозим. Мусобақа ташкил этилганидан буён унда фаворитлардан бири сифатида иштирок этиб келаётган Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари уч марта (2001, 2006 ва 2010 йиллар) кумуш ва икки марта бронза (2005 ва 2007 йиллар) медалларини қўлга киритган бўлсалар, бир марта (2004 йил) тўртинчи ўрин билан кифояланганлар.

Умид қиламизки, Вьетнам майдонлари футзалчиларимиз учун омадли келади ва бу йил Осиё чемпионлари қаторига яна битта мамлакат жамоаси қўшилади.



## Жонли ижрочилар учун концерт — бепул!

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ўз қўшиқларини жонли ижро этадиган хонандаларнинг концертга кетадиган харажатларини тўлашга тайёр эканини маълум қилди.

Хусусан, sayyod.uz сайти мухбирига интервью берган «Ўзбекнаво» бирлашмаси кадрлар бўлими бошлиғи Одилжон Абдуқаҳҳоровнинг таъкидлашича, ташкилот раҳбарияти санъаткорлар орасида жонли ижрони тарғиб қилиш учун ана шу янгиликка қўл урган.

— Яқинда бирлашмада лицензияга эга бўлган хонандаларнинг маъмурлари иштирокида учрашув ташкил этилди, — дейди О.Абдуқаҳҳоров. — Тадбирда жонли ижрода қўшиқ куйлашни истаган хонандаларнинг «Истиқлол» санъат саройида ўтказадиган концерти харажатлари «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан қопланишини айтдик... Яъни, агар хонанда бир ой жонли концерт қўйса, ўша бир ойлик концерт зали пули бирлашма томонидан тўланади.

Суҳбат давомида «Ўзбекнаво» ходими «Мен ҳам жонли концерт бераман!» деб чиққан, аммо талаб даражасида қўшиқ айта олмаган хонандаларга нисбатан ҳам тегишли чора кўрилишини таъкидлади.

— Шунинг учун хонандаларга концертдан ўн беш кун аввал концерт репертуарини «Ўзбекнаво» томонидан тузилган махсус комиссияга тақдим этиш шартини қўйдик, — дейди у.




Кўнгилларга хуш ёқувчи илиқ ҳаво оқимини олиб келган баҳорнинг охирги ойи ҳам бошланди. Гидрометеорология марказининг хабарига кўра, мамлакатимизда ҳафта давомида ўзгарувчан об-ҳаво кузатилиб, айрим ҳудудларда эрталаб ва кечқурун вақти-вақти билан ёмғир ёғиши кутилмоқда.

Ҳарорат ўртача 27-32 даража илиқ атрофида бўлади. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади.

Республикамизнинг энг иссиқ ҳудудлари ҳисобланган Навоий, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси 15-20 даража илиқ, кундузлари +30-35 даража бўлиши кутиляпти. Пойтахтимиз ва бошқа ҳудудларда термометр миллари тунда +12-17, кундузи 27-32 даража илиқ бўлишини кўрсатмоқда. Тоғли жойларда ҳарорат кечаси +6-11, кундузлари эса +17-22 даража атрофида бўлади.

## Сирожиддин Насриддиновнинг антиқа кашфиёти




Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетининг 1-курс талабаси Сирожиддин Насриддинов пойтахтимизда ташкил этилган VII «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар» республика ярмаркасида ўзининг ғаройиб ихтироси — икки томонлама шаффоф экранли MX-1 русумидаги мобиль телефонининг тақдимотини ўтказди.

Podrobno.uz сайти маълумотларига кўра, оригинал дизайнга эга телефоннинг корпуси зарбга бардош берадиган шишадан тайёрланган бўлиб, шаффоф экран тасвирнинг ҳар икки томонда ҳам акс этишини таъминлайди.

Ихтирочининг таъкидлашича, телефон қуёшдан қувват (махсус наноплёнка орқали ҳамда корпусга ўрнатилган аккумулятор ёрдамида) олади. Шунинг учун унга қўшимча энергия билан таъминлаш воситаси керак эмас.

Бошқа замонавий телефон аппаратлари сингари янги қурилма ҳам сенсорли клавиатурага эга. Янги авлод алоқа воситасининг пастки қисмига чақмоқ (вспишка) ва антенна билан таъминланган web-камера ҳам жойлаштирилган.

Айни кунда тахминан 600 АҚШ долларига баҳоланаётган телефонни серияли ишлаб чиқариш имкониятлари ўрганиб чиқилмоқда.

## «Фавворалар сайли»га марҳамат!



Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ёшларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун қўшимча қулайликлар яратиш ва кўнгилочар тадбирларни кўпайтириш мақсадида бугун пойтахтимизда «Фавворалар сайли» ташкил этилади.

Таъкидлаш жоиз: ушбу қарор Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Республика маънавият тарғибот марказининг таклифларига асосан қабул қилинган бўлиб, унга кўра жорий йилнинг 1 май куни бош кентимиз ҳудудидаги ҳар бир фаввора олдида маданий тадбирлар ўтказилади. Санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар, кино ва театр актёрларининг ёшлар билан учрашувлари ташкил этилади.

Эътиборлиси, «Фавворалар сайли»ни бундан кейин анъанавий тарзда, яъни ҳар йилнинг 1 майида ўтказиш режалаштирилган.

## «Нексия» — энг оммавий автоуловлардан бири

Дунёнинг энг оммабоп автомобиллари рейтингини тузиш билан шуғулланувчи BestSellingCarsBlog интернет портали 2013 йил якунлари бўйича тайёрланган рўйхатни эълон қилди.

Таъкидлаш жоиз, ушбу рейтинг маълум бир автомобиль моделининг алоҳида давлатлардаги кўрсаткичлар бўйича тузилган бўлиб, автомобилларнинг жаҳон миқёсидаги умумий сотувига ҳеч қандай дахли йўқ.

Шу тариқа 160 та мамлакат кўрсаткичларини таҳлил қилган экспертлар мазкур давлатлар кўчаларида кўп учрайдиган 58 та автомобилдан иборат руйхатни тузиб чиқдилар.

Эътиборлиси, ушбу рейтингдан Асака заводида ишлаб чиқарилаётган «Нексия» ҳам ўрин олди. Маълум бўлишича, «GM Uzbekistan» конвейерларидан чиқаётган ана шу русумдаги улов Ўзбекистондан ташқари, Арманистон ва Тожикистонда бошқа автомобилларга нисбатан кўпроқ сотилган.

Рейтингнинг биринчи поғонасини «Toyota» банд этган. Маълум бўлишича, мазкур бренднинг 11 та русумдаги автомобиллари, дунёнинг 73 та давлатида оммабоп, деб топилган.

### БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Одам баъзида пули оз қолганида пули кўп пайтдагига нисбатан сахийроқ бўлиб кетади. Балки у «умуман пули йўқ экан» деган гап чиқмаслиги учун шундай йўл тутишга ҳаракат қилар...»**

Бенжамин Франклин.

РЕКЛАМА




РЕКЛАМА




XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

**ТАҲРИРИЯТ:** Темур АБДУРАҲМОНОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Шаҳзод НАЗАРОВ, Озод РАЖАБОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Носир ТОШЕВ, Шуҳрат ХЎЖАЕВ, Маркс ЮСУПОВ.

**БЎЛИМЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. **ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** axborotXXIasr@yahoo.com, xxi_asr@mail.ru

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

**БОШ МУҲАРРИР:** Миродил АБДУРАҲМОНОВ.

**МУАССИС:** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 9794 **Тираж:** 17109
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X

Навбатчилар: Н.ТОШЕВ, А.МУЗАФФАРОВ.